


Солим оталари Абдуллоҳдан, Абдуллоҳ эса оталари Умардан розияллоҳу анҳу қилган ривоятларида, Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу:



06:00 / 24.09.2018 4260

Солим оталари Абдуллоҳдан, Абдуллоҳ эса оталари Умардан розияллоҳу анҳу қилган ривоятларида, Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга ато берардилар, мен эса: «Буни мендан кўра муҳтожроққа беринг», дер эдим. Шунда у зот: **«Агар сенга мана шу каби мол келса, ўзинг кўз тикмаган ва сўрамаган ҳолда сенга нима келса, уни олгин. Агар хоҳласанг, ундан егин. Агар хоҳласанг, садақа қил. Фақат нафсингни унга боғлаб қўйма»**, дедилар.

Солим: «Абдуллоҳ (мана шу суннатга амал қилган ҳолда) ҳеч бир кишидан бирор нарса сўрамас ва агар бирор нарса берилса, қайтармас эди», дедилар.

Муттафақун алайҳ.